

Ижтимоий тармоқлардаги сохта хабарларга ишонманг!



22:05 / 25.03.2019 2913

2019 йил 25 март куни ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий иш қоғоси нусхасига ёзилган бир нечта шахслар тўғрисидаги маълумотлар сохтадир. Унда келтирилган маълумотлар ва ёзувлар қалбакидир.

Бу каби асоссиз уйдирма хабарларни тарқатишдан мақсад Ўзбекистондаги диний соҳада олиб борилаётган ижобий ўзгаришларни ёмонлаб кўрсатиш ва мўмин-мусулмонлар орасига ишончсизлик уруғини сочишдан ўзга нарса эмас.

Инсон дунёга муккасидан кетиб, охиратини унутиб, ҳар қандай қабих ишга қўл урмаслиги керак. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинган

ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ёлғон гувоҳлик берувчининг икки оёғи қўзғалмай туриб, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилади”, деганлар. Яна бир ҳадисда "Ким бизни алдаса, биздан эмас" дейилган.

Азиз юртдошлар, ҳар бир мўмин-мусулмон киши бундай ёлғон-яшиқларга, миш-миш гапларга учмаслиги, фитналардан огоҳ бўлиши даркор. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мўмин киши зийрак, ҳушёр ва оқил бўлади”, деган ҳадислари моҳиятини чуқур тушуниш лозим.

Баъзи бир ҳасадгўй кимсалар халқимиз орасида норозилик кайфиятини уйғотиш мақсадида, фитна чиқариш илинжида турли уйдирмаларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишдан тап тортишмаяпти. Буларга алданиб қолмаслигимиз керак. Шундай ёлғон хабарларни тайёрлаш ва тарқатиш қонун билан тақиқланади, Ислom динида эса қаттиқ қораланади.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни тўғри йўлга бошласин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати